O'zbekiston Respublikasi
Toshkent shaxri
Mas'uliyati cheklangan
jamiyat shaklidag
ABS FINANS AUDIT
auditorlik tashkiloti

Toshkent shaxri, M.Ulugbek tumani, Mustaqillik ko'chasi
42 uy, h/r 20208000604318185001 AKB "Agrobank", MFO 00394
INN 204943384, OKED 69202, Tel.: +99871 267-36-41,
+99890 325-92-61

Республика Узбекистан
город Ташкент
Общество с ограниченной
ответственностью
ABS FINANS AUDIT
Аудиторская организация

Город Ташкент, М.Улугбекский район, улица Мустакиллик
дом 42, р/с 20208000604318185001 АКБ "Агробанк,
МФО 00394, ИНН 204943384, ОКЭД 69202, Тел.: +99871 267-36-41
+99890 325-92-61

№ 30/Д
28 февраль 2020 йил.

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"ABS FINANS AUDIT" МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти юридик манзили: 1000059, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси 42 уй, ҳисоб рақами: 2020 8000 6043 1818 5001 АТБ "Агробанк"нинг Бош офиси, банк коди: 00394, СТИР: 204 943 384, ОКЭД 69202, 17.04.2004 йилдаги №228-сонли реестр рақами билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 10 апрел куни берилган, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида "барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви"ни ўтказиш ҳуқуқини берувчи Серия АФ № 00805 сонли лицензиясига эга. "XALQ SUG'URTA" МЧЖ томонидан № 0232922 рақамли 30.01.2020 йилдаги аудиторлик ташкилотини суғурталаш полиси берилган. (Шартнома 27.01.2020 йилдаги №14/13/09.

Мен **"ABS FINANS AUDIT" МЖЧ** шаклидаги аудиторлик ташкилоти аудитори Саъдуллаев Абдиманнон Бобоқулович Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йилнинг 22 октябрида № 04758 сонли малака сертификати берилган бўлиб, амал килиши чексиз муддатга узайтирилган.

Буюртмачи: "Зарбдор элеватор" АЖ
Корхона манзили: Жиззах вилояти, Зарбдор туман, Галлакор кучаси .
Хизмат кўрсатувчи банки:
АТБ Агробанк, Зарбдор туман булими,банк коди: 00125.
Ҳисоб рақами: 2020 8000 2002 0300 7001.

2020 йил 7 январдаги № 30/Д сонли шартномага асосан **"Зарбдор элеватор" АЖнинг**
Молиявий ҳисобот шакллари:
- Бухгалтерия баланси № 1 сонли шакл.
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот № 2 сонли шакл.
- Дебиторлик ва Кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома № 2а сонли шакл.
- Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи № 3 сонли шакл.
- Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши.

2019 йил 1 январидан 2019 йил 31 декабригача бўлган давридаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

"Зарбдор элеватор" АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча ҳўжалик юритувчи субъект **"Зарбдор элеватор" АЖнинг** 2019 йил 1 январидан 2019 йил 31 декабригача бўлган даврдаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий – ҳўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

“ABS FINANS AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти раҳбари: **Саъдуллаев А.Б.**

Аудитор: **Узаков А**